Гос. книжная палата УзССР

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 2 май шанба

Сотувда эркин нархда
№ 89 (1870)

# КЕЧА ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ЯКУНЛАДИ

## Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

1 май куни биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов бошқарди.

Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси котиби Т. Файзуллаев янги таҳрирда тақдим этилган Гаров тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Урганч давлат университети ректори А. Саъдуллаев, Қашқадарё вилоятидаги "Муборакгаз" бошқармаси бошлиғи И. Келеш, Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги "Ипакчи" акциядорлик жамияти раиси Т. Сатторов, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси Фарғона бўлими бошлиғи М. Мирҳамзаев нутқларидан сўнг Қонун қабул қилинди.

Депутатлар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Г. Йўлдошеванинг янги таҳрирда парламентга ҳавола этилган Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тинглади. Қонун лойиҳасини муҳокама этишда Сурхондарё вилояти Денов тумани ҳокими Т. Менглиев, Бухоро вилояти Қоракўл тумани касаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси М. Олтиев сўзга чиқди. Бу Қонун ҳам қабул қилинди.

Сўнгра Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари П. Қодиров Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Бу ҳужжатни муҳокама қилишда Тошкент давлат юридик институти ректори Ҳ. Бобоев, республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази раҳбари Н.Аминов, Андижон шаҳри ҳокими А. Собиров, Наманган вилояти Косонсой тумани ҳокими Т. Маризаева, адлия вазири С. Мирсафоев, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси Х. Дўстмуҳамедов иштирок этдилар.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу масала юзасидан сўзга чиқди. У амалдаги диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонун заиф ижро этилаётгани, ҳокимликлар, адлия ва бошқа органлар томонидан мазкур Қонунга риоя қилиш устидан назорат йўқлиги масалаларига алоҳида тўхталди. Давлатимиз бошлиғи жойлардаги давлат, адлия органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари, олий мактаб, халқ таълими, маданият ходимлари олдига ислом фундаментализми, экстремизм, ваҳҳобийлик, миссионерлик кўринишлари, олға қараб қилаётган ҳаракатимизга тўсиқ бўлиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб бориш вазифасини қўйди.

Парламент янги таҳрирдаги Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонунни қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Депутатлар мазкур қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаб, уни умумхалқ муҳокамасига тақдим этиш ҳақида қарор қабул қилди.

Депутатлар айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритди, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган бир қанча Шартномаларини ратификация қилди, Ўзбекистоннинг бир қанча конвенцияларга қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Депутатлар махсус тузилган комиссия раиси Н. Исмоиловнинг 1992-1993 йиллардаги кредитлар ва кооперациялашган тарзда маҳсулот етказиб берганлик учун Россия корхоналари билан Ўзбекистон Республикаси корхоналари ўртасидаги ҳисоб-китоблар билан боғлиқ масалалар тўғрисидаги ахборотини тинглаб, тегишли қарор қабул қилди.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари П. Қодиров маърузаси бўйича Олий Мажлис "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" фахрий унвонини тасис этди.

Сессия котибияти раҳбари, Сурхондарё вилоят Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш. Норбоева депутатларни Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясига юборилган фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг мурожаатлари билан таништирди.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий хўжалик суди таркибларига ўзгартишлар киритди, Х. Тошевни парламентнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси этиб сайлади, айрим қўмиталар таркибларига ҳам ўзгаришлар киритди. Хоразм вилоятидаги Дружба шаҳри номини Питнак шаҳри деб ўзгартириш ҳамда Фарғона шаҳри чегараларини кенгайтириш ҳақида қарорлар қабул қилинди.

Депутатлар Олий Мажлис ва унинг раҳбариятининг 1997 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботни тасдиқладилар.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова ўтган йилдаги иши юзасидан ҳисобот берди.

Шу билан биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўз ишини тугатди.

**СУРАТДА: Президент Ислом Каримов Олий Мажлис депутатлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлашмоқда. Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

# ЮРТ ВА ИНСОН ТАҚДИРИ

## СЎЗ — СЕССИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА





**Тожиддин НАЗАРОВ, 43-Булоқбоши сайлов округидан депутат:**

— Сессияда қишлоқ хўжалигини ривож топиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қонунлар қабул қилинди. Бу мажмуалар эса амалиётда қўллансагина катта моҳиятга эга бўлади. Менимча, халқимиз ер билан ишлаш, уни асраб-авайлаш, тўғри муносабатда бўлишни яхши билади. Бироқ, бу ҳолни қонуний жиҳатдан ҳимоя қилиниши, ҳуқуқий кўламда тасарруфга олиниши айни муддаодир.

Ушбу сессияда қабул қилинган барча қонунлар қатори Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонуннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни беқиёсдир. Бу масалада ойдинлик киритилиши зарурат эди. Энг муҳими, одамларнинг эҳтиёжи ва маънавий ҳақ-ҳуқуқи, халқнинг хоҳиш-иродаси эътиборга олинди. Мамлакатимизда ҳар жабҳада демократик жамиятнинг инсонпарвар тамойиллари чуқур илдиз отиб, ўз мевасини бераётгани исботини топмоқда. Сессияда Ватан ва халқ тақдири орасидаги боғлиқлик тамойилига таъмал тоши қўйилди, деб ўйлайман. Бу қонунларнинг моҳияти давримиз тараққиёти асносида янаям ойдинлашиб боради.

**Азимбой САЪДУЛЛАЕВ, 207-Абулғози Баҳодирхон сайлов округидан депутат:**

— Ўтаётган ҳар бир кунимиз янгиликларга бой. Улар бир-бирига ўхшамайди. Ислоҳотлар тобора ўз самарасини бермоқда. Ҳар соҳада изчил иқтисодий-сиёсий ўзгаришлар кўзга ташланади. Буни англашимиз, тинч ва осуда кунларда барқарорлик ҳукм суриб, тараққиёт йўлига тушиб олганимиздан фахр-ифтихор туйишимиз керак. Қабул қилинган қонунларни истиқлолимиз мазмуни акс этган кўзгуга қиёслагим келади.

Сессия залида кенг ва обдон муҳокама этилиб, бир овоздан қабул қилинган Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳақида тўхталмоқчиман. Маълумки, истибдод даврида 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида дин қатъиян ман қилинди ёхуд бошқача тарғиб этилди. Халқнинг кўнгли, маҳаллий урф-одатлари, қадриятларимиз оёқ ости бўлди. Нимаики таъқиқланса, шу нарсага нисбатан қизиқиш ортиши, табиий. Дин ҳақидаги тасаввурларимиз бир ёқлама шаклланди.

Ҳозирги кунда айрим кишиларнинг динни ниқоб қилиб, ғаразли мақсадларни кўзлаб халқимиз тотувлигига, осойишта кунларимизга раҳна солиши билимсизликнинг ҳам мевасидир. Яратганга шукрлар бўлсинким, истиқлолга эришган юртимизда барча соҳаларда эркинлик қарор топди. Бугун бу ҳолни халқимиз яхши тушунади, англайди. Мазкур қонун мамлакатимизда инсоний қадр-қиммат, халқимиз қарашлари улуғланаётганлигидан далолатдир.

**Эргаш ОТАМУРОДОВ, 125-Қуйиқишлоқ сайлов округидан депутат:**

— Сессияда кўрилган масалалар, қабул қилинган қонунлар долзарблиги, муҳимлиги билан ажралиб туради. Мана, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган тўртта муҳим қонун қабул қилинди. Булар қишлоқ хўжалигида эмин-эркин фаолият юритиш, уни ривожлантириш учун ҳуқуқий омиллардандир. Бу қонунлар ерга эгалик қилиш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорликни кўтариш, фермер ва деҳқон хўжаликларини тараққий эттириш, қишлоқ аҳолисини доимий иш билан таъминлашдаги долзарб бўлиб турган вазифаларни амалга оширишга йўл очиб беради.

Бошқа тасдиқланган қонунлар ҳам жамиятимиз учун сув ва ҳаводек зарур. Айтиш мумкинки, ушбу қонунлар туфайли мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш сари яна бир қадам қўйилган бўлади.

**Холида АЛИМОВА, 67-Жиззах сайлов округидан депутат:**

— Мамлакатимиз ҳаётидаги тарихий, муҳим воқеа — навбатдаги сессия ҳам ўз ишини якунлади. Унда муҳокама этилган, маъқулланган қонунлар жамиятимиз тараққиётининг ҳуқуқий таянчи бўлиши, шубҳасиз. Айниқса, Оила йилида Оила кодекси қабул қилинганлиги қувонарли ҳолдир. Бу ҳужжат жамиятимизда янада соғлом муҳит яратишда, оилаларимиз мустаҳкам бўлишида, унда тарбияланадиган фарзандларимиз ҳам келажакда етук инсонлар бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этади.

Шахсан мен сессиядан қониқиш ҳосил қилдим. Унда қабул қилинган қонунлар орасида Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонун бугунги муаммоларнинг ечимини топишда ҳозиржавоблик билан қабул қилинган ҳужжатдир.

Президентимиз таъкидлаганларидек, биринчи қадам қўйилди. Сессияда пухта, мукаммал қонунлар қабул қилинди. Энди асосий қадамни қўйишимиз — қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, уларнинг ижросини таъминлаш, самарасини амалда кўришимиз керак. Бунинг учун ҳаммамиз жавобгарлик ҳисси билан яшаб, меҳнат қилишимиз зарур бўлади.

Ўйлайманки, қабул қилинган қонунлар келажакда ҳаётимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**«Халқ сўзи» мухбирлари Қўчқор НОРҚОБИЛ, Ойбек РАҲИМОВлар ёзиб олишди. Тўлқин КАРИМОВ олган суратлар.**

# ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг таклифига биноан шу йил 5-7 май кунлари давлат ташрифи билан Россия Федерациясига боради.

# ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа амирлиги фуқаро авиацияси вазири шайх Абдулла бин Муҳаммад ат-Таний бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Л. Ахметов билан учрашди.

Л. Ахметов меҳмонларга мамлакатимиз коммуникация тизимини такомиллаштириш, транспорт ва алоқа хизматини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди. Учрашувда фуқаро авиацияси жабҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд эканлиги таъкидланди. Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги илк ҳаво қатнови ҳам Тошкент — Шаржа йўналиши бўйича амалга оширилган эди. Мазкур ташриф давомида Шаржа амирлиги фуқаро авиацияси вазирлиги билан "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик, Тошкент ҳамда Шаржа халқаро аэропортлари алянсини яратиш тўғрисидаги ҳужжатлар бу борадаги алоқаларнинг янада кенгайишига хизмат қилади.

Мулоқот чоғида томонлар транспорт, алоқа, сайёҳлик соҳаларида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашувда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бош директори вазифасини бажарувчи А. Рўзматов, "Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси Б. Ҳусанбоев иштирок этди.

**(ЎзА)**

ЭЪТИРОФ

# "ЯНАГИ ГАЛ АСАКАГА БОРАМАН"

Япония иқтисодий ташкилотлари Федерацияси (Кейданрен) раиси, "Тойота мотор корпорейшн" корпорацияси раиси Шоичиро Тойода раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизга ташриф буюрганлиги ҳақида илгари хабар қилган эдик.

Жаноб Ш.Тойода ўз ватанига жўнаб кетиш олдидан шундай деди:

— Ўзбекистон Президенти билан бўлган суҳбат менда чуқур таассурот қолдирди. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва юртингиз имкониятларини жуда юқори баҳолайман. Ўзбекистон ва унга қўшни республикалар эришаётган натижалар бирбиридан тамоман фарқ қилишига ишонч ҳосил қилдим. Халқингизнинг маданияти ва миллий анъаналаридан ҳайратга тушдим.

Асакада шундай қисқа муддатда автозавод қурилиб, ишга туширилгани таҳсинга сазовор. Афсуски, уни бориб кўришга имкон тополмадим. Янаги гал келганимда Асакага, албатта, бораман.

Шунингдек, жаноб Ш. Тойода ўзбеклар ҳар қандай технология ва янги техникани ўзлаштира олишларига ишончи комиллигини таъкидлади. Делегация раҳбари Японияга бориши биланоқ мамлакат Бош вазирига Ўзбекистондаги соғлом вазият ва ҳамкорликда йирик лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари ҳақида ахборот бериш ниятидалигини билдирди.

**(ЎзА)**

# АЙЛАНАДИ СОАТ МИЛЛАРИ — ЖУМА ХАБАРЛАРИ

● ТАҲРИРИЯТГА ХАТ

## «МЁЛЛЕРС» ЗЎРМИ, «ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ?»

*Германиянинг машҳур «Мёллерс» фирмаси ишлаб чиқараётган қадоқлаш линияларини жаҳоннинг кўплаб корхоналарида учратиш мумкин. Эндиликда улар сафидан Навоийдаги «Қизилқумцемент» қўшма корхонаси ҳам қўним топди. Ускуна Япониянинг «JAPAN» фирмаси томонидан ажратилган имтиёзли грант эвазига олинди. Айтиш керакки, энди корхонада икки линия ёрдамида йилига 500 минг тонна цемент қадоқланадиган бўлди.*

*— Бугунги кунда хорижда эмас, балки республикамизнинг ўзида ҳам 50 килограммлик қопларга жойланган цемент маҳсулотларига талаб ошиб бораяпти, — деб хабарлайди Парда Жумаев. — Қурилишнинг муҳим хомашёси ҳисобланган цементни харидорларга етказиб беришни ташкил этиш мақсадида корхона ёнида «Қизилқумтепалик» савдо ишлаб чиқариш уйи иш бошлади. Мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларида савдо бўлимлари очилди. Цементчилар шу ернинг ўзида маҳсулотни қадоқлаш учун қоғоз халта ишлаб чиқарадиган қўшма корхона очиш тараддудини бошладилар.*

● ОМАД

## САЛОМАТХОН ЯРИМ МИЛЛИОНЛИ БЎЛДИ

*Денов шаҳар Шароф Рашидов маҳалласида яшовчи Саломатхон Алибоева дафъатан ярим миллионли бўлди. Ҳа, у сотиб олган Ўзбекистон Республикаси халқ банкининг «Оила қувончи» лаҳзалик лотереясига ана шундай лўнда ютуқ чиқди.*

*Саломатхон ютуққа эга бўлган куниёқ сумалак қилди, — деб ёзади З. Мамажонов.— Маҳаллани ошу туз билан сийлади. Яқин атрофидаги қаровчиси йўқ кексалар ва ногиронларни йўқлаб, кўнглини овлади. Саломатхон аслида илгаридан ҳам ана шундай фазилатлари билан элнинг оғзига тушган эди.*

● САВОБ

## СУМКА КЕРАКМИ — БЕШАРИҚҚА КЕЛИНГ

*Мактаб ўқувчилари сумкага ёлчийдиган бўлишди. Чунки Бешариқ туманидаги «Чевар» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган ўқувчилар сумкаси илгаригидек тез йиртилиб кетмайди. Кўни пишиқ, чоки мустаҳкам. Ҳатто бунга ҳиссадорлик жамиятига шартнома асосида хомашё сотаётган Фарғона сунъий чарм заводи жамоаси ҳам кафолат беради.*

*Дастлабки маҳсулотлар савдога чиқарилди.*

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55
133-07-48, 136-37-85

Соат милларини Эсирган БОЛИЕВ кузатди.

